O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 29-IYUL ■ PAYSHANBA ■ 89 (27.264) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

Қисқа муддатли дам олишда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ялтада амалий ташриф билан Украинага келган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилишда кўмаклашишга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

## ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

**Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ва Россия Президенти В.В.Путин томонидан имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон — Россия муносабатларининг кенгайиши ва чуқурлашувига янги турки берди.**

Ўзаро келишувларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Полвонзода бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Москвага ташриф буюрди. Ташриф давомида Россия адлия вазири Ю.Чайка билан музокаралар бўлиб ўтди. Икки мамлакат маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон ва Россия президентлари имзолаган шартномани аниқ фаолият низомлари билан тўлдиради.

Ю.Чайканинг сўзларига қараганда, Россия томони Ўзбекистон Адлия вазирлигида ташкил этилган янги бўлинмалар – хорижий сармояларни ҳимоя қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармалари фаолиятига катта қизиқиш билдирмоқда. Россия маҳкамаси раҳбари ўзбекистонлик ҳамкасблар тажрибасига таянган ҳолда бу каби тузилмаларни Россияда барпо этиш эҳтимоли мавжудлигини қайд этди.

Ўзбекистон делегацияси, шунингдек, Россия Федерацияси Олий суди раиси В.Лебедев ва унинг биринчи ўринбосари В.Радченко билан учрашди. Томонлар ҳамкорликнинг барча йўналишлари, шу жумладан, терроризмга қарши кураш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

**М.ЗОҲИДОВ**
**«Жаҳон» АА**
Москва.



## ҚАРШИ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



Қарши шаҳри қадимда Нахшоб, Насаф номлари билан Шарқу Ғарбда маълуму машҳур бўлган. «Буюк ипак йўли»нинг асосий тармоқларидан бири ҳам айнан шу шаҳар орқали ўтган. Ўнинчи асрда бутун мусулмон олиму алломаларининг Насаф шаҳрида бўлиб ўтган «Мажлиси тадрис» илмий анжуманининг ўтказилиши ҳам ушбу маскан қандай мавқега эга бўлганидан далолат беради. Қарши шаҳрининг дастлабки ўрни бўлган «Ерқўрғон» тепалигида олиб борилган археологик қазилмалар шаҳар тарихи 2700 йилларга тенг эканлигини кўрсатиб турибди.

Ҳозирда Қарши шаҳрида 224 мингдан ортиқ аҳоли мавжуд 62 та маҳаллада истиқомат қилади. Бу ерда 43 та ўрта мактаб, 48 та болалар боғчаси, йигирмага яқин коллеж ва лицейлар, битта университет ва битта институт мавжуд. Ўнлаб замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифохоналар аҳоли хизматида.

Нуфузли ташкилот — ЮНЕСКО 2005 йилда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Айни кунларда бутун Қашқа воҳаси мазкур тадбирга тайёргарлик кўряпти.

**Суратларда:** «Қашқадарёдеҳқонқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти илғор қурувчилари (чапдан Маҳмуд Эшов ва Ҳасан Сафаров; бунёд этилаётган Қарши олимпия захиралари спорт коллежи.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан*

## АЁЛИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЭЛ

### КУНИ КЕЧА ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «ЖАМИЯТ ВА АЁЛ» МАВЗУИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ

Донишмандларимиздан бири айтган экан: Миллатга эҳтиром — аёлга эҳтиромдан бошланади. Бу пурмаъно сўз замирида улкан ҳикмат яширин. Қаерда аёл қадрланса, улуғланса, эъзозланса ўша мамлакатда соғлом ва баркамол авлод дунёга келади, вояга етади. Аёли маърифатли бўлган халқнинг келажаги ёруғ, эртаси фаровон бўлади. Аёл қудрати намоён бўлган юртда жасур, мард, ёвқур ўғлонлар камол топади. Меҳрли, фариштали, бокира қизлар улғаяди.

Луғат бойлигимизда ОНА сўзи қўшиб айтиладиган каломлар унчалик кўп эмас. Бу Она Ватан, Она тили, Она ер кабилардир. Бу ёруғ оламда диний нуқтаи назардан олиб қараганда ҳам, дунёвий тушунчаларга таянилганда ҳам энг муқаддас, энг улуғ зот бу онадир. Шундан бўлса керак мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб хотин-қизлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Устувор йўналишларимиздан бири сифатида бутун дунёда эътироф этилган соғлом авлод тарбияси, аввало унинг дунёга келиши аёлларимизга боғлиқлиги, улар бир қўллари билан бешик, иккинчи қўллари ила дунёни тебратадиган тенгсиз олий мавжудот эканлиги исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир.

Президентимизнинг шу йил 8 март муносабати билан «Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги»да шундай сўзлар бор: **«Биз бундан кейин ҳам ўз олдимизга узоқ ва давомли мақсадларни қўяр эканмиз, аёлларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, эскидан қолган қарашлардан воз кечиш, уларни том маънода ҳаётни бошқарадиган ҳал қилувчи ўринлар ва вазифаларга кўтариш, уларга ишонч билдириш масаласи бугунги кунда ҳам ҳали-бери ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотгани йўқ».**

2004 йил хотин-қизлар масалалари ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш, жамиятдаги фаолиятини янада ошириш борасида ташланган муҳим қадамлар билан тарих саҳифаларига муҳрланади.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, шу йўналишдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорида бу борада қилиниши зарур бўлган ишлар алоҳида кўрсатиб берилган. Эндиги вазифа мамлакатимиздаги барча сиёсий кучлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари бу борада амалий ишларни йўлга қўйишдан иборат.

Форум сирдарёлик хотин-қизлар учун чинакам байрамга айланиб кетди. Гулистондаги муҳташам театр биносига тўпланган хотин-қизлар юқоридаги муҳим ҳужжатларда аёл шаъни, унинг ўрни ва бурчлари алоҳида кўрсатиб берилганлигини мамнуният билан таъкидлашди.

**Сахобат ЗУННУНОВА, Гулистон шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

— Аёлнинг роли ҳақида жуда кўп гапириш, чиройли сўзларни қалаштириб ташлаш мумкин. Лекин аёл миллат ижодкори эканлигини бир лаҳза бўлса ҳам унутиб бўлмайди. У тенгсиз, чексиз бир олам. Аёл миллат тарбиячиси, оила чироғи. Унингсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Ўз навбатида аёлнинг бурчлари ҳам бор. У туғилаётган авлоднинг тўлақонли соғлом бўлиши учун масъул. Фарзандларни Ватанга садоқатли қилиб ўстиришда аёл муҳим ўринни эгаллайди. Жамиятда, одамлар ўртасида эзгулик, меҳр, мурувват, оқибат туйғуларини кенг ёйишда аёл имкониятлари беқиёсдир.

Жонли мулоқотлар, баҳс мунозараларда ҳақиқат ойдинлашади. Тўғри йўл танлаб олинади. Бизга давлатимиз раҳбари улкан имкониятлар эшигини очиб берди.



**Ойниса МУСУРМОНОВА, парламентнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан бошлаб оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, улар ўртасидаги бандлик масаласини ҳар томонлама кўриб чиқиш ҳамиша Юртбошимизнинг эътибор марказида турибди. Бу устувор вазифалар бугунги кунга келиб янада долзарблик касб этди. Фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши барчамизга масъулият юклайди. Бу эъзозга биз қандай жавоб берамиз? Юрт корига ярайдиган фарзандлар ўстириб, уларни халққа қўшиб, қалбига Ватанга муҳаббат, элга садоқат туйғуларини жойлаш борасидаги ўз аёллик бурчимизни қай даражада бажараяпмиз? Бу ҳақли саволлар бугун ҳар бир аёлнинг ўй-хаёлини банд этиши зарур. Ўз номимизга ярашмайдиган, шаънимизни булғайдиган ишларга аралашиб қолаётган қизларимиз, аёлларимизга тўғри йўлни кўрсатиб, халқ олдидаги бурч ва масъулиятини англатиб қўйишимиз шарт.

(Давоми 2-бетда.)

## УЛКАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

**Ливияда шахмат бўйича ўтган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик гроссмейстер Рустам Қосимжонов барча донгдор рақибларини доғда қолдириб, шатранж тожининг соҳиби бўлди. Ўзбекистонда Юртбошимиз раҳнамолигида спорт соҳасига берилаётган улкан эътиборнинг самараси яна бир карра жаҳон миқёсида эътироф этилди.**

Президент Ислом Каримовнинг ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб вояга етказиш, хусусан, спортни ривожлантириш йўлидаги доимий ғамхўрлиги Ўзбекистоннинг фахру ифтихорлари сафини тобора кенгайтирмоқда.

Шахмат тожи Ўзбекистон вакилига насиб этгани катта тарихий воқеа. Шу муносабат билан мамлакатимиз раҳбарига дунёнинг турли давлатларидан табрик мактублари келмоқда. Уларда Рустам Қосимжоновнинг ғалабаси Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатимизда ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлидаги улкан саъй-ҳаракатларининг яна бир самараси экани алоҳида таъкидланади.

«Ўзбекистон раҳбарияти шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватламаганида, шубҳа йўқки, бундай муваффақиятга эришиб бўлмасди. Жаҳон шахматчилари Сизнинг Рустамни мамлакатингизнинг юксак давлат мукофоти — Амир Темур ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонингиз ҳақидаги хабарни катта қувонч билан кутиб олди. Бу муваффақият шуниси билан қадрлики, мусобақа мобайнида Рустам Василий Иванчук (Украина), Александр Гришчук (Россия), Веселин Топалов (Болгария), Майкл Адамс (Англия) каби супергроссмейстерларни мағлуб этди ва шу билан ўн еттинчи шахмат қироли номига муносиблигини, сайёрамизнинг энг кучли шахматчиси эса Сизнинг гўзал мамлакатингиз вакили эканлигини исботлади. Аминманки, бу муваффақиятга ўзбек спортчиларининг жаҳон спорт майдонларидаги бошқа ажойиб ғалабалари ҳам қўшилаверади», дейилади ФИДЕ Президенти, Қалмоғистон Республикаси Президенти Кирсан Илюмжиновнинг мактубида.

Франция Миллий ассамблеяси раисининг ўринбосари, Ренси шаҳри мэри Эрик Раулнинг мактубида ҳам ана шундай самимий табрик сўзлари ўз ифодасини топган.

«Ҳозиргина шахмат бўйича янги жаҳон чемпиони жаноб Рустам Қосимжонов ўзбек миллатига мансуб эканлигинидан воқиф бўлдик ва шу муносабат билан Сизни чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз. Сизга ва мамлакатингизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромларимизни қабул қилгайсиз», дейилади номада.

«Сизни Ўзбекистон Республикаси ва ўзбек халқи ҳаётидаги шонли воқеа муносабати билан қутлашга ижозат бергайсиз, — деб ёзади «Союзнефтегаз» давлатлараро нефть компанияси» ёпиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Юрий Шафраник. — Бу ғалабада ўзбек халқининг маданиятидаги чуқур тарихий илдизлар ва анъаналар, бу халқни дунёга танитган математиклар, фалакшунослар, мутафаккирларнинг азму шижоати ва донолиги ўз ифодасини топган. Аминмизки, Сиз, Ўзбекистон Республикасининг Президенти сифатида янги тарихий шароитда миллий маданиятнинг гуллаб-яшнаши, спортнинг барча турлари юксак суръат билан ривожланишига алоҳида эътибор қаратмаганингизда, бу ғалабага эришиб бўлмас эди. Халқаро шахмат чўққисида дўст Ўзбекистон вакилларига янги номлар ва янги муваффақиятлар тилаб қоламиз».

«Рустам Қосимжоновнинг Ливияда ўтган жаҳон чемпионатидаги ажойиб ғалабаси билан табриклашга ва дўст ўзбек халқига спортда янгидан-янги муваффақиятлар ва янги номлар тилашга ижозат бергайсиз», дейилади «Союзнефтегаз» давлатлараро нефть компанияси» ёпиқ акционерлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Г.Гучетлнинг мактубида.

Исроил Кнессети (парламент) аъзоси, парламентдаги «Исроил — Ўзбекистон» дўстлик лигаси раиси Амнон Коэн Ўзбекистон Президентини бутун лига аъзолари номидан самимий қутлайди.

«Сизни ва Сизнинг ёш ҳамюртингиз Рустам Қосимжоновни буюк муваффақият — Триполида (Ливия) ўтган жаҳон чемпионатидаги ғалаба билан табриклашга ижозат бергайсиз. Жаҳон чемпиони бўлган ўзбек шахматчиси Ўзбекистон халқининг фахру ифтихорига айлангани бизни жуда қувонтирди. Энг эзгу тилакларимни изҳор этиб қоламан».

«Миллионлаб ўзбекистонликлар қаторида мен ҳам ўзбек халқининг мард ўғлони Рустам Қосимжоновнинг спортдаги улкан ғалабаси ва ақлий камолотидан қувониб, шундай ҳамюртим борлигидан фахрланмоқдаман. Бу тарихий ғалаба ўзбек халқининг Мустақиллик йилларида Сизнинг раҳбарлигингизда эришган навбатдаги муваффақиятидир. Ўзбекистон халқи мамлакат байроғини юқори кўтараётган ва ўзининг буюк аждодлари анъаналарини давом эттираётган мард ёш авлод билан ҳар қанча фахрланса арзийди», деб ёзади Жаҳон Бухоро яҳудийлари конгресси президенти Лев Леваев.

Польшанинг «Medical Management & Finance» компанияси Президенти Гжегож Кобилецки эса компанияси жамоаси номидан табрик йўллаган:



«Бу мустақиллик йилларида Сиз, Президент Жанобларининг раҳбарлигида ёш авлодни камолга етказиш учун яратилган шарт-шароит самарасидир. «Medical Management & Finance» компанияси бизнесни муваффақиятли ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратилган Ўзбекистон бозорида яқинда фаолият бошлади ва бизнинг ўзбекистонлик шерикларимиз билан самарали ҳамкорликдан умидимиз катта».

Польшанинг яна бир компанияси — «БУДИМЕКС» акционерлик жамияти Президенти Марек Михаловскининг табрик мактубида қуйидаги сўзлар бор: «Бу ғалаба Ўзбекистон Республикаси жамияти юксак билим ва тафаккур соҳиби эканлигидан ва изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистондаги қурилиш дастурларида иштирок этиш орқали шундай ажойиб муваффақиятларга гувоҳ бўлаётганимиздан мамнунмиз».

Давлатимиз раҳбарига жаҳоннинг турли мамлакатларидан табрик мактублари келиши давом этмоқда.

**(ЎзА)**

## «...ГРОССМЕЙСТЕР БЎЛИШИМ ҲАМ ҚИЙИН ЭДИ»

**Албатта, жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов билан бўладиган қизғин мусоҳабалар, унинг Триполида ўтказган бири-биридан чиройли ўйинларига бағишланган таҳлилий мақолалар ҳали олдинда. Ҳозир Рустам машаққатли курашдан кейин, янги масъулиятли мусобақадан олдин қисқа муддатли ҳордиқда. Албатта, буни тўғри тушунишимиз ва Рустамни авайлашимиз ҳам керак. Лекин Рустам билан суҳбат беришимизни сўраётган кўплаб газетхонларимизнинг илтимосларини инобатсиз қолдириш ҳам унчалик маъқул эмас. Хуллас, газетамизда Рустам билан «хамир учидан патир» суҳбат берилиши келишилинди. Бу вазифани ўн икки йилдан буён Рустам ҳақида мақолалар ёзиб юрган Асрор МЎМИНга юклашни лозим топдик. У ҳар ҳолда вазифани уддалади.**

Бугун она-Ўзбекистонимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган қутлуғ санага — бизнинг ғуруримиз, фахримиз бўлган Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тожи билан шарафланган кунга икки ҳафта тўлди. Яна кўнглим безовта бўлди, яна шодлигимдан хаёлан осмони фалакда парвоз этаман. Ахир, менинг қондошим, бизнинг юртдошимиз, ўзимизнинг Рустами достонимиз жаҳон чемпиони!

Беихтиёр, чемпионни улғайтирган хонадонни зиёрат қилгани йўлга тушаман. Биламан, Рустам уйда йўқ. Биламан, Рустам дам олаяпти. Биламан, у вақтни ғанимат билиб бўлғуси «жанг»ларга ҳозирлик кўраяпти.

Мени чемпионнинг онаси Меҳринисо опа очиқ чеҳра билан қарши олади. Ҳовлидаги хонтахта қўйилган супага таклиф қилади.

— Болагинам хотиржам дам олиши керак, — дейди Меҳринисо опа. — Қайда, кеча борсам телефон орқали ким биландир ярим соатча битта ўйиндаги вазиятни муҳокама қилди.

Мен Рустамнинг келгуси «жанг»ларга ҳозирлик кўраётганига амин бўламан. Яна Меҳринисо опа суҳбатни давом эттирди:

— Рустамжонни халқимизнинг яхши ниятлари қўллаб-қувватлади. Биз Германияда эдик, қанча ҳурматли кишиларимиз яхши ният билдириб, телеграмма йўллашди. Барчасига раҳмат. Ўғлимнинг айтишича, Триполида уни кўпчилик қўллаб-қувватлаб турибди. Ҳатто, Темур Ражабовга мухлислик қилишга борган Озарбойжон делегацияси саккиз кун қолиб Рустамни қўллаб-қувватлабди. Неварамнинг исми Озарда. Улар Германияга бирга келишди. Қизиғи, Каспаров ўғлимни биринчилардан бўлиб чемпионлик билан табриклабди.

Тошкент аэропортида тумонат одамни кўриб ҳайрон қолдик. Президентимиз номидан ўғлимга зарбоф тўн кийдирилганда, қувонганимдан кўзларимга ёш келди. Кўчамиз бошидан одамлар чиқишиб ўғлимни олқишлашди. Ёмғир шаррос қуйиб турибди, ҳовлимиз ҳам, кўчамиз ҳам одамларга лиқ тўла. Илойим, ўғлимга ҳурмат-эътибор кўрсатганларнинг мартабаси бундан ҳам баланд бўлсин...

Мен Меҳринисо опа оилавий тадбирга бориш учун тайёргарлик кўраётгани учун мақсадга кўчдим: Рустамга берадиган саволларим ва уй телефонимни ёзиб бериб, кеч бўлса ҳам қўнғироқ қилишини сўрадим. Афсуски...

Эрталаб яна жаҳон чемпионини вояга етказган хонадон сари йўлга тушдим. Меҳринисо опа салом-аликдан кейиноқ узрини айта бошлади: «Вақт кеч бўлгани учун Рустам сизга телефон қилишга ийманибди. Ҳозиргина келиним телефон қилганди».

4-бет

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

# АЁЛИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЭЛ

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Муқаддас оиланинг устуни бўлиш, фарзандларига жонини фидо қилиш, меҳр улашиш энг олий амоли бўлган ўзбек аёли жамиятимиз гултожисига айланиши учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмоғимиз керак.

**Марям ҲОЖИМАТОВА, Гулистон шаҳар акушерлик комплекси бош шифокори, ХДП аъзоси:**

— Мен 36 йилдан буён мана шу соҳада ишлаб келаётган бўлсам хотин-қизларимизга бу даражада эътибор кўрсатилганлигини билмайман. Бугун шифохоналаримизда жаҳоннинг энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлари ўрнатилган. Туғиш ёшидаги аёллар шифокорлар назоратида. Улар бепул дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббий кўрик ва маслаҳатлардан фойдаланишлари мумкин. Шу ўринда битта фикр. Бугуннинг аёли ҳам ҳуқуқий жиҳатдан, ҳам тиббий нуқтаи назардан тушунчага эга бўлиши керак. У ўзининг соғлиғи, оиласи, туғиладиган фарзанди учун нақадар муҳимлигини бирор лаҳза унутмаслиги зарур. Биз аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш борасида ҳам кўп иш қилишимиз керак. Мен бугун партиямиз ана шу жабҳаларда олдинги ўринларда эканлигидан фахрланаман.

**Замира САИДОВА, Сирдарё вилоят оналик ва болаликни муҳофаза қилиш махсус маркази бош шифокори ўринбосари:**

— Мен ҳозир жуда ҳаяжондаман. Бугун бу жойга тўпланган аёллар, ХДП ҳақида янада кўпроқ, чуқурроқ фикрга эга бўлдилар. Мен бугунги тадбирдан руҳланиб халқ орасига дадил кириб борган, хотин-қизлар муаммолари бўйича олиб бораётган улкан ишга ўз ҳиссасини қўшаётган ушбу партияга аъзо бўлиб кирмоқчиман. Бунинг яна бир сабаби ХДП Сирдарё вилоят кенгаши томонидан хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида, уларни касб-ҳунарга тайёрлаш юзасидан қатор ишлар қилинаётгани партиянинг халқ орасидаги нуфузини янада оширмоқда.

Форумни олиб борган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби, партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси, шоира Ҳаётхон Ортиқбоева шу лаҳзаларда ёзган шеърини иштирокчилар эътиборига ҳавола этди:

**Баҳорлар бошланар, аёлни куйлаб**
**Бағримнинг кенглиги осмон қадардир,**
**Меҳр-саховатда уммон қадардир.**
**Покиза тимсоли имон қадардир**
**Тиниқ хаёлидан сўзланг аёлнинг.**
**Сиз унинг мансаби, унвонин айтманг,**
**Эл ичра шуҳрати ва шонин айтманг.**
**Қирқта жони, минг бир имконин айтманг,**
**Ёруғ иқболидан сўзланг аёлнинг.**
**Юртга соҳибқирон Темурни берган,**
**Ҳазрат Навоийни, Бобурни берган,**
**Эркакка мардликни, ғурурни берган,**
**Фазлу камолидан сўзланг аёлнинг.**
**Миллатнинг чироғи ёрқинроқ порлар,**
**Ватанда қад ростлар улкан чинорлар,**
**Улғаяр эл юкин кўтарар норлар,**
**Она-биз суянган улкан минорлар.**
**Эзгу аъмолидан сўзланг аёлнинг.**
**Авайлай олсангиз бир қучоқ гулдир,**
**Кўнглингизга шоҳ ул, меҳрга қулдир,**
**Покиза чашмадир, мунглиғ кўнгилдир.**
**Суюк тимсолидан сўзланг аёлнинг.**

Шундан сўнг турли соҳаларда жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ хотин-қизларга ЎзХДП МК Фахрий ёрлиқлари ҳамда ҳомийлар томонидан тайёрланган қимматбаҳо совғалар топширилди.

Форум иштирокчиларининг вилоят хотин-қизларига мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди. Ушбу даъватнома бир овоздан қабул қилинди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Собиржон Мўминов, Рўзимат Каримов, хушовоз эстрада хонандаси Ойпопук Эшонхонова, истеъдодли ёш хонанда Озода Абдуғаффоровалар иштирок этдилар. Улар ижро этган Ватан, Миллат, Халқ, Она ҳақидаги қўшиқларга барча жўр бўлди. Ушбу тадбир сирдарёликлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса керак.

Форумда ЎзХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов, вилоят ҳокими ўринбосари Мухторжон Эркаев сўзга чиқдилар, ХДП МК котиби Собир Усмонов, Гулистон шаҳар ҳокими Исроил Эрбеков ҳамда вилоят кенгаши етакчиси Абдулмалик Қўчқоралиев ва бошқалар иштирок этдилар.



**Фаррух ҲАМРОЕВ**

✧✧✧

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

## МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида вилоят «Ёшлар маркази»да «Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида минтақавий семинар-тренинг ўтказилди.

Унда Республика Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоевнинг мавзу бўйича маърузаси тингланди.

Семинар-тренингда иштирок этган шаҳар ва туман ҳокимликлари, сиёсий партиялар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари янгича тартибда ўтиши кўзда тутилаётган сайловлар жараёнига доир ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Қизиқарли ўтган анжуманда сиёсий партияларни сайлов жараёнида молиялаштириш, ошкора ва очиқ сайловлар ўтказиш механизмлари ва сайлов жараёнида ташвиқот-рекламанинг ўрни, кузатувчилар фаолияти, сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни халқ оммасига етказишда ОАВнинг роли, сайлов жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифалари каби муҳим масалалар хусусида батафсил тушунчалар берилди.

Семинар-тренингда вилоят ҳокими Мамаризо Нурмуродов сўзга чиқди.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

## ТАШКИЛИЙ ПЛЕНУМЛАР

Ўзбекистон ХДП Тўрткўл, Тахтакўпир туман кенгашларининг ташкилий пленумлари бўлиб ўтди.

Хадича Ибодуллаева Тўрткўл туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси этиб сайланганлиги муносабати билан туман партия кенгаши биринчи котиби лавозимидан озод қилинди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси лавозимида ишлаб келган Ойбек Худойбергенов ХДП Тўрткўл туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Амангелди Матниязов нафақага чиққанлиги муносабати билан Тахтакўпир туман кенгашининг биринчи котиби лавозимидан озод этилди. Аввал Тахтакўпир туман Балиқчилик хўжалиги директори лавозимида ишлаб келган Суханберди Аллашев ХДП Тахтакўпир туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумлар ишида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг биринчи котиби Атаулла Асанов сўзга чиқди.

**Аллисбой ИБОДУЛЛАЕВ,**
**ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши котиби**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши** ҳузуридаги хотин-қизлар сектори кенгашининг навбатдаги йиғилиши «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги Фармон ва хотин-қизларнинг парламент сайловларидаги иштироки» мавзусида бўлиб ўтди.

• • •

**ХДП Урганч, Хонқа туман кенгашлари** ташаббуси билан Хонқа туманидаги «Катта Жирмиз», Урганч туманидаги «Юқори дўрмон» қишлоқларида хотин-қизлар билан мулоқотлар ўтказилди.

• • •

**Янгикўрғон туман партия кенгаши**нинг Бекобод қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказган навбатдаги тадбири «Аёл ва сиёсат» мавзусида бўлди.

• • •

**Наманган шаҳар партия кенгаши** «Намангантекстил» ҳиссадорлик жамияти тасаррўфидаги «Камалак» болалар дам олиш оромгоҳида тарбиячи-педагоглар учун сиёсий-маърифий ўқув машғулоти ўтказди. Унда уч нафар тарбиячига партияга аъзолик билети тантанали топширилди. Оромгоҳдаги машғулот спорт мусобақаларига уланиб кетди.

• • •

**Наманган туман партия кенгаши** тумандаги Қ.Солиев номли ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти билан ҳамкорликда «Соғлом оила» спорт мусобақасини ўтказди. Мусобақада фаол иштирок этган Ровустон ва Тепа Қиёт маҳаллалари вакилларига партия ташкилоти ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси туман бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

• • •

**Фарғона шаҳридаги** Офицерлар уйида шарқий ҳарбий округнинг қисмлар командирлари, уларнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича муовинларининг ЎзХДП вилоят кенгаши биринчи котиби М.Исаков ва кенгаш бўлим бошлиғи А.Юлдашевлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда офицерлар сайловлар, партияларнинг сайловолди дастурлари, ҳарбийларни ижтимоий ҳимоялаш, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш ва бошқа масалалар хусусидаги кўплаб саволларига жавоб олдилар.

• • •

**ХДП Фарғона вилоят кенгаши** ташаббуси билан Бувайда туманидаги Бувайда ип-йигирув ҳиссадорлик жамиятида «Гиёҳвандлик аср вабоси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Унда корхона ишчи-хизматчилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этди.

Инсон ва табиат

# ЯШИЛЛИК ЯРАТИЛЯПТИ, ДЕМАК, ОРОЛ ЯШАЙДИ

**Яқинда Халқаро Оролни қутқариш фонди — GEF агентлиги ташаббуси билан бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида Оролбўйи аҳолисининг турмуш тарзи, минтақадаги сунъий сув ҳавзалари ва кўлларнинг аҳволи билан танишиш мақсадида экспедиция уюштирди. Газетамизнинг махсус мухбири Саида САЙҲУН ушбу экспедицияда қатнашиб қайтди.**

Тошкент аэропортидан Тошкент-Нукус йўналиши бўйича ҳайбатли самолётда кўкка кўтарилдик. Самолёт самода бир текисда уча бошлагач, биз, эҳтиёт камарларини бўшатиб, улгурмасимиздан салоннинг орқа қисмида шовур-шувур бошланди. Болалар... саросимани билмайди, беғубор, кулиб-ўйнаб кетишяпти. Разм солсам, салон тўла бола, бирини гапга тутаман.

— Бизми? Ҳа, кўпмиз, отимми? Ай...ну...р... — қизчанинг исмини тўлиқ эшитолмадим, қолганлариям қизиқсиниб, ҳаяжонланиб ўраб олишди. — Дам олиб қайтяпмиз, дўстлар орттирдик.

Оролбўйида яшовчи бу 50 нафар ўғил-қиз Бўстонлиқ туманидаги «Гулистон» оромгоҳида дам олиб қайтишаётган экан. Ҳар йили юзлаб болалар, қариялар Тошкент шаҳри ва вилоятидаги оромгоҳлар, санаторийларда дам олиб қайтишяпти. Беихтиёр иллюминатордан пастга, ерга қарайман, энди сўлим гўшалар ортда қолиб, чўл устидан учиб борардик, бий-биёбон дашт, яккам-дуккам яшиллик. Беихтиёр қуриб, ортга чекинган Орол ўрнидаги қум, туз тўзонлари, жонсиз дашт, ҳорғин одамлар кўз олдимга келади. «Орол фожиаси...» одатдаги билганларим хотирамга келади, болаларни ўйлаб кетаман... Стюардесса қиз манзилга яқинлашаётганимизни эълон қилди. «Ур-рей... Нўкоо—с! Жетдик!» Болаларнинг қийқириғи салонни тутди.

«Меҳмонга бориш яхши, лекин ҳар кимнинг ўз уйи, ўлан тўшагида», — деган фикр хаёлдан ўтди.

Журналистлар тўрт кунлик Оролбўйи миссиясини амалга ошириш учун «Нукус» меҳмонхонасига, сўнгра Қорақалпоғистон ҳукумат раҳбарлари қабулига йўл олдик.



### 1. СУДОЧЬЕ — ҚУШЛАРНИНГ ҚЎНАЛҒАСИ

Тонг отди, 6.30 да экспедиция аъзолари сафарга отланди. Олдимизда машаққатли Судочье-Мўйноқ-Нукус маршрути. Юзлаб километрлик масофа — Судочье кўли сари йўл олдик.

Орол денгизининг қуриши минтақа ҳудудининг флора ҳамда фаунасини ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйди. Орол денгизи дастури (Жаҳон банки) БМТРД (БМТЭД) мазкур минтақада сув ва сувдан фойдаланишнинг узоқ муддатли муаммоларини ечишга йўналтирилган. Мазкур Дастурнинг минтақавий табиий ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришдан иборат узоқ муддатли мақсадларига қўшимча равишда, 3 та дастур мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистон биохилма-хиллиги учун муҳимдир. Улар 4.1 — Амударё дельтасининг суволди ҳудудларини тиклаш; 4.3. — Экологик тадқиқотлар (жумладан биохилма-хилликни баҳолаш) ҳамда 6-юқори сув айирғичлар ҳудудлари ер ва сув манбаларини мукаммал усулда бошқаришдир.

Маълумки, Амударё сувининг камайиши натижасида Орол денгизи қирғоқ чизиғининг чекиниш оқибатида 50 га яқин чучук сувли кўллар қуриди, тўқайзорлар майдони 2 мартага, қамишзорлар 6 мартага қисқариб кетди. Катта каналлардан сизот сувларининг оқизилишидан Судочье, Қўнғирот, Дарё ўртаси, Қоражар кўл тизимлари, умумий майдони 99 минг гектарни ташкил этувчи Тоғузтўра, Девкампир, Қозоқдарё, Довуткўл, Девқора, Оқтепа кўллари пайдо бўлди.

Судочье кўли атрофидаги ҳудудларни тиклаш бўйича лойиҳа (ГЭЖ/Жаҳон банки) Орол денгизи дастурининг таркибий қисми. У Амударё дельтасининг чап қирғоғи қисмида жойлашган Судочье кўли атрофидаги ҳудудларни муҳофаза қилиш, тиклашга қаратилган, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш, йирик зовурлар ёрдамида оқова сувларни бошқариш мақсадларини қамраб олади. Маълумки, бу кўл қушлар учун транзит вазифасини ўтайди, у Рамсар Конвенцияси ҳимоясига тегишли ҳудудлардандир.

Кўл Амударёнинг шимолий-ғарбий қисмидаги ирмоқларига тегишли ҳудудда, Нукусдан 220 километр (машинада 4 соатдан ортиқ йўл босилади), Орол денгизининг ҳозирги қирғоқ чизиғидан 100 километр олисда жойлашгандир. Унга Амударёдан сув қуйилади, умумий майдони 200 минг гектарни ташкил этади, чуқурлиги 5 метрдан ошмайди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб кўл қурий бошлади, унинг катта майдонларида экологик ҳалокат рўй берди, гидрологик, гидрохимик ўзгаришлар Судочьени ё ҳаёт ё ўлим вазиятига тушириб қўйди, деҳқончиликда қўлланилган заҳарли химикатлар, пестицидлар кўлга келиб қуюлаверди, сувдаги кислороднинг кўрсаткичи 8 дан 4 мг/л. га тушиб қолди. Натижада, кўл ҳудудининг флораси кескин қуриб кетди, фаунаси қирилди.

1

Судочьенинг бундай экологик ҳалокати нафақат минтақа, Марказий Осиёга, балки ер юзидаги баъзи қушларнинг қирилиб кетиши, ҳатто баъзи турларининг йўқ бўлиб кетиш хавфини туғдирди. Маълумки, 1991 йилда Судочье кўли атрофидаги 50 минг гектар майдонда Орнитологик қўриқхона ташкил этилди. Кўл сув-ботқоқ қушларининг уя қуриб яшаш ва мавсумий миграция вақтида кўп тўпланадиган жойдир. Бу ерда пушти ва жингалак бирқозонлар, қоравойлар, кулранг чумчуқ, йирик қоравойлар, ҳар хил турдаги паррандалар, оққуш-ўрдак, кулранг ғоз, шўнғувчи ўрдаклар, қашқалдоқ, оқ чармоқлар, чағалайлар, қонжирлар, балиқчи қушлар уя қўйиб яшашади. Ондатра, тўнғиз, шоқол, бўрсиқ, тулки, дашт мушуги, тароқли қумсичқон каби сут эмизувчилар, калтакесак, сув илони, дашт агамаси, чипор илонлар бор. Афсуски, экологик ҳалокат бундай жониворларнинг сони ва турларини кескин камайтириб, баъзиларини қириб юборди. Минтақа фаунаси ўзгаришининг бош белгиси, мўйначиликнинг асоси ондатралар умуман йўқ бўлиб кетди.

Экспедициямиз аъзолари 5 та махсус автомобилда дунёнинг мўъжизаси — Устюрт платосининг шарқий қисми бўйлаб силжирди. Сўл ёнимизда Уст-юрт «томи»нинг ҳадсиз-чегарасиз чўллари ястаниб ётибди. Илк бор борган одамни унинг текислик билан ғалати, туташиши ҳайратга солади, чунки 20-25 метрлик баландлик ва ўнгимизда текислик. Кун қиздира бошлаганда, Судочье кўл тизими бошланди. Йўл оғирлигини ўйламасликка, атрофни кузатишга ҳаракат қиламиз. Тасаввур этинг, ўнгда тепалик, сўлда йўлдан сатҳи 5-10 метр чуқурлик, кўл. Беихтиёр «том»да қандайдир шарпа биз билан қувлашмачоқ ўйнаётганини пайқадик. «Шоқол» дейди ҳайдовчимиз оғир карвон Азиз оға. У узоқ бизни қувиб борди... Кутилмаганда машинамизнинг балони ёрилди, ҳаш-паш дегунча экспедиция колоннаси тўзон ичида, кейинги бархан ортига ўтиб кўздан йўқолди. «Том» эгаси бўлса бизни тепадан кузатиб, ястаниб олди.

Кузатувчи машина ёрдамга етиб келгунча офтоб куйдириб турган, Уст-юртнинг оловида қолиб кетдик...

Уст-юрт ёқалаб йўлда давом этамиз, юриш борган сари қийинлашади. Бий дала шу йўллар қадим ўтмишдан шоҳидлик берради, эски миноранинг қолдиқларига дуч келамиз.

— Чингизхон даврида бу «кузатувчи пост» бўлган, «хабар берувчи башня», — дейди бизга Халқаро Оролни қутқариш фонди ижроия комитети Нукус филиали директори Уббинияз Аширбеков. — Ёв кўринса, дарҳол минорада ўт ёқилиб, тутун орқали хавф-хатар навбатдаги «минора»га даракланган.

Бу йўллар қадим йўллар...

Судочье (Сувидуши, сувичучук деган маънони билдиради) кўлига кун тандирдай қиздира бошлаганда етиб келдик. Маълумки, 1997 йилдан бошлаб кўл тизимини тиклашда кенг кўламда ишлар бошланди, қатор дамбалар солинди. Кўл тизимида экологик вазият барқарорлашди. Кўл юзида пушти бир қозонлар, қоравойлар, шунғувчи ўрдаклар, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»ига кирган жингалак бирқозонлар, оқчарлоқлар, чағалайлар, қашқалдоқлар каби қушларнинг қанот қоқиб учаётганини кўриб, кўнглимизда қандайдир иликлик пайдо бўла бошлади. «Қушлар қанот қоқяпти, демак Судочье қайта тирилди!»

Оққум тўғони.

Аввалги Ажибой қўлтиғидамиз, Орол қуришига қадар, сув 53-белгигача бўлган даврда, Оққумнинг шимолида Орол денгизи, жанубида Судочье кўли жойлашган бўлган, шамол шимолдан жанубга эсганда Орол денгизига, агар шамол жанубдан бўлганда унинг суви Судочье кўлига бориб қуюлган. Оққум — шу тариқа икки йирик сув манбаини боғлаб, мувозанатни сақлаб ҳам турган. Ҳозирда Оққумда дамба қурилган бўлиб, унинг қуввати секундига 55 кубометр. Маълумки, каналлардан ташланган сизот сувларда минирализация юқори, бир литр сувда 4,5-6 граммга ошганда сув шу «транзит» орқали Судочье кўлига ташлаб юборилади, тоза сув тўпланганда дамлаб турилади. Ҳозир лойиҳа бўйича сув 52,20 кўрсаткичдадир.

Кўл юзида балиқлар ўйноқлар, қушлар учиб юрибди. Судочье кўлини сақлаш бўйича лойиҳа Ўзбекистон томонидан GEF Халқаро Фондининг лойиҳаси ичига 5-компонент бўлиб киритилган, доимий мониторинглар ўтказиб, кузатиб борилади.

2

Судочье кўлининг сақлаб қолиниши минтақадаги экологик вазиятни ўнглашга, ҳайвонот, ўсимлик дунёсини қайта тиклашга, шу атрофда яшаётган аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини кўтаришга, чорвачиликни қайта ривожлантиришга хизмат қиляпти. Судочье акваҳудудининг қайта тикланиши 45 минг гектар майдонда экологик аҳволни юмшатди, жонлантирди, балиқчиликни қайта пайдо бўлишига замин ҳозирлаяпти. Яқиндагина Судочье кўлининг қуриган ҳавзасида қорамолларнинг суяклари сочилиб ётарди...

Бизга маълумки, Судочье қушлар дунёси учун Ғарб — Осиё йўналишида мегерация даврида «транзит» қўналға» вазифасини ҳам ўтайди. Мониторинг шуни кўрсатдики, қушларнинг мегрaция пайтида (55.500 турдаги қушлар, шундан 49.000 сув-ботқоқ қушларидир), ҳудудда қўниб, сўнгра яна учишда давом этади.

Судочье кўл тизимида биохилма-хиллик, флора, фауна қайтадан тикланяпти.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Дарё ўртаси сув омборининг 12 ва 22-шимолий тўғонлари, Рибачье қўлтиғидаги шимолий тўғон, Жилтирбас қўлтиғидаги шимолий тўғонларда катта кўламдаги сув иншоотлари қурилиш юмушлари амалга оширилди ва давом этмоқда.

Ўзбекистон давлати, Қорақалпоғистон ҳукумати, аввало, минтақадаги ҳалокатнинг янада кенг масштаб касб этмаслиги учун бутун диққат-эътиборни қаратмоқда. Маълумки, 90-йилларга келиб Оролбўйида 1 та кўл қолган эди. Ҳозирда 6 та кўл қайта тикланди.

Узоқ йиллик экологик ҳалокатдан сўнг, айниқса, 2000-2002 йилги қурғоқчиликдан кейин эндигина қаддини тиклаб бораётган Судочье кўлидан 30 тонна, умумий кўл тизими бўйича эса 70 тонна балиқ овланяпти, моллар учун озуқа ем-хашак базаси яратиляпти, олиб борилган қурилиш, табиий ресурсларнинг тикланиши туфайли аҳолининг иш билан бандлиги 30 фоизга ошди.

Бир сўз билан айтганда Судочье қайта тириляпти.

Навбатдаги манзилга йўл оламиз.

Мўйноқ мўъжазгина шаҳарча. Шағирли посёлкаси аҳолисининг турмуш тарзи билан танишиш ниятида тадбиркорлик билан шуғулланаётган бир неча оилаларда бўлдик.

— Мен 22 йил ун комбинатида ишладим, ногирон бўлиб қолдим, уйда майда ҳунармандчилик билан шуғулланаман, — дейди Ўразбой Гаников. — Халқаро Оролни қутқариш фондининг Нукус филиалидан икки марта, аввалига 15 фоизли, 2003 йилда



10 фоизли, 50 минг сўм кредит олдим, фойда кўрдим, рўзғоримиз бутланди. Ишлаб чиқараётган карниз, стол, стуллар, декоратив буюмларимизнинг бозори чаққон.

Мўйноқ тумани республикамизнинг энг чекка шимолий ҳудудидир. Туман ўзгаришлар даврини бошдан кечиряпти. Бу ҳақда Мўйноқ туман ҳокими Жарилқап Турсунбеков шундай дейди:

— Туманимизда 28 минг 400 аҳоли яшайди. Қадимдан балиқчилик билан шуғулланган. 1985 йилдан кейин денгиз атрофидаги кўллар ҳам қурий бошлади. Мана, 2001 йилдан буён Халқаро Оролни қутқариш фондининг Нукус филиали Мўйноқ атрофида кичик кўлларни тиклаш бўйича лойиҳа асосида катта ишларни бошлади. Икки ярим йилда гидротехник иншоотлар қурилди, Судочье кўлида 36 километрлик дамба, Оққум тўғони қурилиши, Машалкўл коллектори, Мўйноқ қўлтиғидаги сув иншоотлари туманимизда экологик, иқтисодий, ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади «Қорақалпоқсувқурилиш» акционерлик жамияти томонидан улкан сув иншоотлари қуриляпти. Яқин келажакда Мўйноқ атрофида 200 минг гектардан ортиқ сув ҳавзалари пайдо бўлади. Умид қиламизки, мўйноқликлар яна ота касблари балиқчилик, чорвачилик билан шуғулланадилар. Ҳозирда Мўйноқ атрофида 18 та бурғилаш ишлари олиб бориляпти, улардан 12 тасида газ заҳираси топилибди. Туманнинг энг чекка — Учсой овулида нефть-газни қайта ишловчи улкан завод қурила бошланди, янги ишчи ўринлари очиляпти.

Мўйноқликларнинг айтишича ҳалқда гап бор-ку, бир ёмоннинг бир яхши томони, дегандайин денгизнинг қуриган тубида ахимия уруғи пайдо бўлди. Яқинда Россия, хитойликлар билан ҳамкорликда дунёда аквариум балиқларига озуқа бўладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпмиз.

Мўйноқ, Дарё ўртаси, Рибачье сув омборлар, дамба-кўтармалари, Жилтирбас кўл тизимида экологик аҳвол бирмунча жонланиб, бу ҳудудларга ҳайвонлар, қушлар қайтганини кузатдик.

Биз бу ҳолатларни истаганча иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилишимиз мумкин эди. Лекин биз бугун Судочье, Мўйноқда оддий одамлар яшаётганини, тақдирга тан бериб эмас, яхши яшаш учун курашаётганининг, эртанги кунга умид билан қараётгани, меҳнат қилаётганини таъкидлашни истар эдик. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътибор, ғамхўрликка жавобан халқ ҳалол меҳнати билан яқдил бўлаётир.

Экспедициямизнинг биринчи иш куни тугади.

Турнақатор машиналаримиз тизилишиб, тун зулматини қоқ ёриб олға борар, ҳамма ўйга толган, кўрганларини мен каби мушоҳада қиларди, чоғи.

Биз меҳмонхонада кечки овқатга йиғилганимизда соат миллари 23.30 ни кўрсатиб турарди. «Эртага барвақт жўнаймиз, маршрутимиз — Орол-Чимбой-Қораўзак!».

3

